



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2023 yil « 12 » октябрь

№ ПФ–169

Саноат ва унинг базавий тармоқларини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатда юқори технологияларга асосланган саноат йўналишларини жадал ривожлантириш, саноат тармоқларига хусусий инвестицияларни кенг жалб этиш орқали рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ҳудудларда янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ҳисобидан аҳоли даромадларини ошириш ҳамда йирик тармоқларга илғор халқаро стандартларга асосланган бошқарув тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Белгилансинки, давлат саноат сиёсатини амалга ошириш ҳамда саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш бўйича вазифа ва функциялар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига юкланади.

Бунда, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги маҳаллий саноат тармоқларида ишлаб чиқариш, инвестиция, экспорт, маҳаллийлаштириш ва саноат зоналарини ривожлантириш масалалари учун масъул ҳисобланади.

2. Қўйидагилар Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг саноатни ривожлантириш бўйича асосий вазифалари этиб белгилансин:

ягона саноат сиёсатини амалга ошириш ҳамда саноат тармоқларини ривожлантириш борасида замонавий механизмларни жорий этиш;

ҳудудларнинг табиий хомашё, меҳнат ресурсларини ва “нисбий устунликларини” инobatга олган ҳолда **саноатни ривожлантиришга туртки берадиган йўналишларни** белгилаш ва уларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

саноатнинг базавий тармоқлари, жумладан нефть-газ, энергетика, кимё, тоғ-кон, машинасозлик саноатини **ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш, диверсификация қилиш** ҳамда уларни **ислоҳ қилиш стратегиялари ва дастурларини** ишлаб чиқиш;

ресурсларнинг тармоқлараро ва ҳудудлар бўйича мутаносиб равишда тақсимланишини ҳамда инфратузилманинг ўзаро мувозанатлашган ривожланишини таъминлаш;

тегишли вазирликлар билан биргаликда энергия ресурслари, қимматбаҳо ва рангли металллар, бошқа стратегик ресурсларни **ишлаб чиқариш**, уларнинг **истеъмол балансини** шакллантириш ва мониторинг қилиш ҳамда ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш;

саноат тармоқларида **меҳнат унумдорлигини, энергия ва бошқа ишлаб чиқариш ресурслари тежамкорлигини** ошириш, маҳсулот **таннархини пасайтириш** ҳамда **операцион самарадорликни ошириш**да замонавий механизм ва ёндашувларнинг қўлланилиши бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштириш;

муҳим саноат маҳсулотлари бўйича **бозор конъюнктурасини ўрганиш** асосида тегишли маҳсулотлар билан ички бозор **талабини қондириш** ва нархлар кескин ўзгаришининг олдини олиш ҳамда саноат корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш **қувватларидан самарали фойдаланиш** бўйича таклиф ва чоралар ишлаб чиқиш.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлигига саноатни ривожлантириш бўйича берилаётган ваколатларни инobatга олган ҳолда иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосарларига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

а) вазирнинг биринчи ўринбосарига (И.Норқулов):

глобал **иқтисодий-молиявий вазиятни ва бозор конъюнктурасини таҳлил қилиш** асосида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва экспортёрларга таъсири бўйича **хатарларни баҳолаш** ҳамда уларнинг салбий **таъсирини юмшатиш** ва **олдини олиш** бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқирилишини мувофиқлаштириш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида соҳа, тармоқ ва ҳудудлар кесимида **манзилли прогноз параметрларини шакллантириш**;

б) вазир ўринбосарига (Б.Ходжаев):

саноат сиёсатини ишлаб чиқиш ва унинг амалга оширилишини ташкил этишга масъул этиб белгилаган ҳолда **Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлинмаларининг саноатни ривожлантириш йўналишидаги фаолиятини мувофиқлаштириш**;

йирик тармоқ корхоналари ва ҳудудларда саноат маҳсулотларини **ишлаб чиқариш ҳажмларини мониторинг қилиш** ҳамда прогноз кўрсаткичларига эришишда **мавжуд хатарларни аниқлаш** ва уларни **бартараф этиш** бўйича чоралар кўриб бориш;

базавий саноат тармоқ корхоналарини **трансформация қилиш**, уларда маҳсулот ва хизмат **таннархини пасайтириш**, **молиявий барқарорлигини** ва **операцион самарадорлигини ошириш**;

Энергетика вазирлиги билан биргаликда электр энергияси ва табиий газ бозорларини **ислоҳ қилиш** ва **ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни** ташкил этиш;

иқтисодиёт тармоқларида **тариф сиёсатини таҳлил қилиш** ва **такмиллаштириш чораларини кўриш**;

в) вазир ўринбосарига (А.Бобоев) – ҳудудларда саноатни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқариш **инфратузилмасини яхшилаш** бўйича чоралар кўриш, саноат зоналари ва янги ишга тушириладиган йирик корхоналарнинг **инфратузилма билан таъминланганлик ҳолатини таҳлил қилиш** ва **уларни молиялаштириш ишларини мувофиқлаштириш**.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлигида халқаро консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда **Саноат сиёсатини амалга ошириш ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа офиси** (кейинги ўринларда – Лойиҳа офиси) ташкил этилсин ва унга қуйидаги **вазифалар** юклатилсин:

саноатда **иқтисодий ўсиш “нуқта”ларини аниқлаш**, ҳудудларда **“драйвер” соҳаларни белгилаш**, янги турдаги **қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш** бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

саноат тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархини пасайтириш ва энергиядан самарали фойдаланиш, шу жумладан **ресурс ва энергия тежамкорлигини ошириш** бўйича дастурларни ишлаб чиқиш;

саноат **тармоқларининг** ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таҳлил қилиш, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарида **самарадорликни** ва **меҳнат унумдорлигини ошириш** сиёсатини ишлаб чиқиш;

саноат соҳаларини **ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш** ва уларни амалга оширишда давлат томонидан самарали **қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш**.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига Лойиҳа офиси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун, истисно тариқасида, халқаро консалтинг компаниялари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат этилсин.

5. Қўйидагилар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ўтказилсин:

“Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги марказий аппаратининг **45 та** штат бирлиги.

6. Вилоят, шаҳар ва туманларнинг иқтисодиёт ва молия бошқармалари ва бўлимларида саноатни ривожлантириш ва иқтисодиётнинг ресурслар билан таъминланганлигини таҳлил қилиш йиғма бўлимлари ташкил этилсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Ходжаев) **икки ҳафта муддатда** мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда **Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги фаолиятини қайта ташкил этиш юзасидан** Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини киритсин.

Бунда, **саноатни ривожлантириш ва иқтисодиётнинг ресурслар билан таъминланганлигини таҳлил қилиш йиғма бўлимлари** штат бирликларини Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларида **тегишли штат бирликларини қисқартириш** ҳисобига шакллантириш назарда тутилсин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Париж битимининг (Париж, 2015 йил 12 декабрь) 6-моддасига мувофиқ Барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш механизми юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган (миллий орган) ҳисобланиши;

“иссиқхона газлари савдоси”ни тартибга солиш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш ва бошқариш, шунингдек, ушбу йўналишда лойиҳаларни амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисоботларни юритиш учун масъул орган сифатида иштирок этиши маълумот учун қабул қилинсин.

8. Белгилансинки:

а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тизимида давлат муассасаси шаклида ташкил этилган “Яшил иқтисодиёт лойиҳалари маркази” лойиҳа офиси “иссиқхона газлари савдоси” соҳасида давлат томонидан тартибга солиш ва халқаро ҳамкорлик бўйича ишчи орган ҳисобланади.

Бунда, ишчи орган углерод бирликларининг реестрини шакллантириш ва юритиш, “иссиқхона газлари савдоси” миллий тизимини жорий этиш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш, углерод бирликларини сотиш ва сотиб олишни тартибга солиш фаолиятини амалга оширади;

б) “иссиқхона газлари савдоси” миллий тизими 2024 йил 1 июндан тажриба-синов тариқасида йўлга қўйилади ҳамда 2025 йил 1 январдан энергетика ва саноат тармоқларида тўлиқ жорий қилинади;

в) республика ҳудудида амалга оширилган лойиҳалар асосида углерод бирликларини халқаро сертификациядан ўтказиш ва халқаро “иссиқхона газлари савдоси” ихтиёрий бозорларига савдога чиқариш учун йўналтириш Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан мажбурий тартибда келишилади.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бир ой муддатда “иссиқхона газлари савдоси” миллий тизими, иссиқхона газлари квотаси миллий режаси ҳамда углерод бирликларининг реестрини шакллантириш ва жорий қилиш масалаларини қамраб олувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 январдан бошлаб кимё саноатини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш функциялари қуйидагича тақсимланади:

а) Иқтисодиёт ва молия вазирлигига:

кимё саноатида ислоҳотларни амалга ошириш, тармоқда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, мавжуд табиий ресурсларни чуқур қайта ишлаш ва талаб юқори бўлган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни **рағбатлантириш бўйича ягона сиёсатни** амалга ошириш;

кимё саноатида сиёсатни белгиловчи стратегик ҳамда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш ва ислоҳотлар дастурлари, шунингдек, бошқа дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва уларнинг операцион самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш;

кимё саноати корхоналарини асосий хомашё билан таъминлаш прогнозларини, шу жумладан ишлаб чиқариш ва ресурс балансларини шакллантириш ҳамда ижросини мувофиқлаштириш;

б) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига:

кимё саноати тармоғидаги лойиҳаларга замонавий юқори технологик ускуналар ва инновацион технологияларни жалб қилиш, маҳаллий маҳсулотларни янги ташқи бозорларга чиқаришга кўмаклашиш;

янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга хусусий капитални, жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

кимё саноати корхоналарида техник стандартларни ишлаб чиқиш;

в) Давлат активларини бошқариш агентлигига:

давлат улушига эга бўлган тармоқ корхоналарида бошқарув тизимини такомиллаштириш, шу жумладан **корпоратив бошқарув ва барқарор ривожланиш** бўйича халқаро стандартларни жорий этиш;

давлат улушига эга бўлган **тармоқ корхоналарини хусусийлаштиришни** ташкил этиш.

11. Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров) **икки ой муддатда** иловага мувофиқ кимё саноати корхоналаридаги **“Ўзкимёсаноат” АЖнинг** акция пакетлари Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ўтказилишини таъминласин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги **“Ўзкимёсаноат” АЖ** билан биргаликда **бир ой муддатда** **“Ўзкимёсанот” АЖ** улуши (акциялари) мавжуд бўлган барча корхоналарни хатловдан ўтказиб, уларни Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиш бўйича таклифларни киритсин.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

каустик сода, кальцийланган сода, қурилиш ойнаси, техник керосин, нефть парафини, формалин маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги ПҚ–3386-сон қарори билан тасдиқланган монополист корхоналар томонидан фақат биржа савдолари орқали бозор тамойиллари асосида сотиладиган юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотлар, хомашё ва материалларнинг рўйхатидан (кейинги ўринларда – Рўйхат) чиқариш;

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига товар-хомашё биржалари савдоларига рухсат этиладиган товар ва хомашёларга мезонлар ва тавсифларни белгилаш ҳамда Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқини бериш.

13. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси 2024 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикасининг “Товар-хом ашё биржалари тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин ҳамда унда, шу жумладан, товар-хом ашё биржаларининг фаолият юритиш тартиби ва хусусиятлари, биржа орқали сотиладиган товарларга қўйиладиган талаблар, молиявий ҳосилавий инструментларни чиқариш механизмлари назарда тутилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги “Гидроэнергетикани янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–44-сон қарори 6-бандининг “а” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси (Ж.Қўчқоров) **бир ҳафта муддатда** “Ўзбекгидроэнерго” АЖ таркибидаги гидроэлектр станциялари томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини харид қилиш тарифларини “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг инвестиция дастурларини молиялаштириш учун етарли миқдорда тасдиқласин.

15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини;

икки ой муддатда Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 12 октябрдаги ПФ–169-сон Фармонига
илова

**Давлат активларини бошқариш агентлиги
ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига
“Ўзкимёсаноат” АЖнинг акция пакетлари ўтказиб бериладиган корхоналар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Корхона номи	Берилаётган улушлар (фоизда)	
		Давлат активларини бошқариш агентлигига	Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига
1.	“Деҳқонобод калий заводи” АЖ	53,37	46,63
2.	“Қўнғирот сода заводи” ҚК МЧЖ	49	
3.	“Кимётранс-логистик” МЧЖ	100	
4.	“Ҳамкор-кимёсервис” МЧЖ	100	
5.	“Кимётранс” МЧЖ	25	

Изоҳ: Корхоналарнинг акция пакетлари (улушлари) жамиятларнинг акциядорлар умумий йиғилишларида тегишли қарорлар қабул қилингандан сўнг ўтказиб берилади. Бунда “Ўзкимёсаноат” АЖ устав капитали ўтказиб бериладиган улушларнинг баланс (қолдиқ) қийматига камайтирилади.

